

БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ СОЛИҚ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Алмардонов Мухамади Ибрагимович

ORIENTAL университети профессори и.ф.д.

ARTICLE INFO.

Таянч иборалар: Давлат бюджети, билвосита солиқлар, солиқ тизими, билвосита солиқлар юки, солиқ қонунчилиги, билвосита солиқлар механизми, солиқ имтиёзлари, эгри солиқлар, тўғри солиқлар, солиқ тушумлари, қўшилган қиймат солиғи, импорт, божхона божи, акциз солиғи, божхона тўловлари.

Аннотация

Ушбу илмий мақолада солиқ тизимини ислоҳ этиш, билвосита солиқлар механизмини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, солиқ соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий солиқ қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш лозим. Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва билвосита солиқлар юкини камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини замонавий ахборот технологиялари асосида ислоҳ қилиш акс эттирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида солиқ соҳасида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар воситасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Солиқ тизимини ислоҳ этиш, билвосита солиқлар механизмини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, солиқ соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий солиқ қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш лозим.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва билвосита солиқлар юкини камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини замонавий ахборот технологиялари асосида ислоҳ қилиш ва унинг тартибини соддалаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ва ҳаёт сифатининг барқарор яхшиланишини таъминлаш ҳамда

тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва «рақамли иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилиши таъкидлаб ўтилди:

«Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича энгиллаштирилган механизмлар киритилди.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур»[1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилгани таъкидланди:

«Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди» [2].

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётини етакчи соҳа ва тармоқларининг замон билан ҳамнафас фаолият юритишига барча зарур шароит яратиб берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда солиқ тизимини ҳаётимизга изчиллик билан жорий этилаётгани эришилаётган самарали ютуқларимизнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда. Солиқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суъратлар билан ривожланиб ишбилармонлик муҳитини янада яхшиланишига замин яратмоқда.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Билвосита солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилар ҳисобланади. Лекин, солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни билвосита солиқларнинг барчаси бевосита истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига қўшимча равишда қўйилади.

Билвосита солиқларнинг ижобий томони шундаки, улар республикада ишлабчиқарилган товарларни республикадан ташқарига чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарларнинг сероб бўлишига ёрдам беради ҳамда инфляция даражасини (муомаладаги ортиқча пул массасини) бирмунча жиловлаб туради. Билвосита солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан-тўғри таъсирэтмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Профессор Қ.А.Яҳёевнинг фикрича, "Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ, тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юкини бошқаларга ортиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу

солиқларга ҳамма даромаддан тўланадиган ва барча мулк солиқлари киреди.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилардир (хизмат кўрсатувчилардир). Лекин солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган.” - деб таъриф берган. [3].

Профессор А.В.Ваҳобов, А.Жўраевлар билвосита солиқларга тўхталиб, “Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилар ҳисобланади. Лекин, солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни эгри солиқларнинг барчаси бевосита истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига қўшимча равишда қўйилади” деб фикр билдиришган. [4]


М.М.Шадурская, Е.А.Смородина, Т.В.Бакуновалар билвосита солиқларга тўхталиб, “Билвосита солиқлар - бу товарлар ва хизматлар тарифига қўйилган қўшимча нарх кўринишидаги солиқдир” деб таъриф беришган. [5]

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг билвосита солиқларни турлари, билвосита солиқларни Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида туганган ўрни, билвосита солиқларни ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидадан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил ва солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари таркибидаги бевосита 35,8 % ва билвосита солиқларнинг 34,2 % нисбати сақланиб қолди. Даромадлар таркибидаги турли солиқларнинг нисбати динамикаси 1-диаграммада кўрсатилган.



1-диаграмма. Давлат бюджетининг умумий даромадларидаги улуши (%)

Давлат бюджети даромадлари таркибига сўнгги уч йилдаги солиқ сиёсати чораларининг ўзгартирилиши, илгари берилган солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши, иқтисодиёт секторларида олиб борилаётган ислохотлар ҳисобига солиқ базасининг кенгайтирилиши, шунингдек хом ашё товарлари нархларининг динамикаси таъсир кўрсатди.

Солиқ тушумлари таркибининг ўзгариши солиқларнинг айрим турлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши билан ҳам боғлиқ.

2021 йилда билвосита солиқлар бўйича тушумлар ўтган йил билан солиштирганда 9,9 трлн. сўмга 21,2% ошди, 56,3 трлн. сўмни ташкил этди.

2021 йилда солиқ ва божхона органлари томонидан маъмурлаштириладиган қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар 52,8 трлн. сўмни ташкил этди (қоплаш суммаларини ҳисобга олмаганда) ёки 2020 йил билан солиштирганда 12,6 трлн. сўмга ошди. (2-диаграмма)



2-диаграмма. Қўшилган қиймат солиғи тушумлари ва қопланиши бўйича маълумот

Бунда 2020 йил билан солиштирганда божхона органлари томонидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғи 38,2 %га ошди, солиқ органлари ундирадигани – 24,8 %га. Тушумларнинг ўсиши солиқ базасининг кенгайтирилиши (солиқ ислохоти ўтказилиши ва солиқ имтиёзлари бекор қилиниши), иқтисодий ўсиш (шу жумладан 2020 йилда амал қилган карантин чекловларини юмшатилиши) ҳамда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш чораларини кўриш ҳисобига таъминланмоқда.

Қўшилган қиймат солиғининг бюджетга тўлиқ келиб тушишини таъминлаш билан бир қаторда ҳисобга олинadиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобланган солиқ суммасидан ошиши натижасида юзага келадиган солиқ ўрнини қоплаш тартиби такомиллаштирилмоқда.

2020 йил 1 июлгача фақат экспортчи компанияларга қўшилган қиймат солиғининг ўрни қопланган. 2020 йил 1 июлдан бошлаб барча компанияларга қўшилган қиймат солиғи ўрнини қоплаш имконини берувчи тизим жорий этилган ва муддатлар белгиланган.

Шунингдек, 2020 йилда солиқ тўловчиларга 9,0 трлн. сўм қайтарилган бўлса, 2021 йилда қоплаш суммаси 14,4 трлн. сўмни ташкил этди (келиб тушган маблағларнинг 27,3 %). 14,4 трлн. сўм

миқдордаги қоплаш суммаларини ҳисобга олганда 2021 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар ҳисоботда 38,4 трлн. сўм миқдорда акс эттирилди (тушумлар қоплаш суммасига камайтирилган).

Солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда қўшилган қиймат солиғини йиғиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар қўшилган қиймат солиғи самарадорлигини ошириш имконини берди. Халқаро молия институтлари қўшилган қиймат солиғидан даромадларни таҳлил қилишда қўшилган қиймат солиғининг самарадорлик коэффициенти қўллайдилар. Бу турли мамлакатлар турли солиқ ставкаларини ва солиқ ўрнини қоплаш тартибини қўллаши билан изоҳланади. Бунда ИХТТ мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткич 60 % атрофида бўлиб, бу қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган айланмалар ва пасайтирилган ставкалар мавжудлиги билан изоҳланади.

Қўшилган қиймат солиғи самарадорлиги (йиғилувчанлиги бўйича) 2020 йилдаги 44,5 % дан 2021 йилда 48 % гача ошди. (ҚҚС йиғиш самарадорлиги = ҚҚСдан даромад ЯИМдан фоизларда / ҚҚС ставкаси).

2021 йилда акциз солиғи тушумлари 2020 йил билан солиштирилганда 1,4 трлн. сўмга ошди ва 13,1 трлн. сўмни ташкил этди. Тушумларнинг ошиши, асосан 2021 йил февраль ва октябрь ойларида солиқ ставкаларини ўртача 15 % га индексация қилиниши ҳисобига таъминланди.

Бунда алоқоголь маҳсулотлари бўйича акциз солиғи тушумлари, ставкаларнинг индексация қилинишига қарамадан 2020 йил даражасида сақланиб қолди. Импорт қилишда акциз солиғи тушумининг камайиши унинг 2020 йил 1 августдан – транспорт воситалари учун ҳамда 2021 йил 1 январдан – 73 та товар позицияси (озик-овқат, электр техника товарлари ва х.к.) учун бекор қилиниши билан боғлиқ. Ушбу сабабларга кўра акциз солиғи солинадиган маҳсулотларни импорт қилиш ҳажми 978,6 млн. АҚШ долларидан 557,6 млн. АҚШ долларигача қисқарди.

Шу билан бирга, алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғи бекор қилиниши уларнинг расмий импортини қонунийлаштиришга имкон берди. Бунда, масалан 2021 йилда колбаса маҳсулотлари импорти 2020 йилга нисбатан деярли 4 бараварга ўсган.

2021 йилда божхона божи тушуми 4,8 трлн. сўмни ташкил этди ёки 2020 йил билан солиштирилганда 1,2 трлн. сўмга ошди. Божхона божи тушуми абсолют миқдорда ошганига қарамай, Давлат бюджетининг умумий даромадларида унинг улуши 2-3 % доирасида сақланиб турибди.

Шу билан бирга, 20 турдаги товарларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкасини қўллаш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди. Уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси

даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармонида келтирилган. 2021 йилда имтиёзлар суммаси 480,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Қайд этиш лозимки, 2021 йилда умумий импорт ҳажмида божхона тўловларига тортиладиган импортнинг улуши 68,9 % ни ташкил қилди.[6]

Хулоса ва таклифлар

Юқорида айтиб ўтилганидек, бевосита ва билвосита солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир. Европа мамлакатларида билвосита солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Жаҳон солиқ амалиётида Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита ва билвосита солиқларнинг нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин. Европа

мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида билвосита солиқларнинг салмоғи 45 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 55 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 15-20 фоизни ташкил қилади.

Билвосита солиқларни Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида аҳамиятини оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш доирасидаги энг устувор вазифа бўлиб, билвосита солиқлар юқини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодийни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.
- Билвосита солиқлар бўйича солиқ қонунчилигига киртилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш ва ялпи даромадларни оширишда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.
- Тадбиркорлик субъектларига ҳам билвосита солиқлар юқини тизимли енгиллаштириш орқали уларни реал даромадларини ошириб маҳсулот таннархига таъсири кам бўлишини ҳам ҳисобдан четда қолмаслиги керак. Бунинг натижаси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар) доирасини изчил ўрганиб чиқиш ва солиқ механизмини кўзда тутилган имтиёзлар доирасини янада кенгайтириш таклиф этилади.
- Билвосита солиқлар механизмини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсатини амалиётга жорий этишда хўжалик юритувчи субъектларни ҳамда фуқароларни фаоллиги талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2020 йил - «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили» Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. 2021 йил - «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси “Халқ сўзи”, 2020 йил 30 декабрь, № 276 (7778)
3. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти—Тошкент: Фан ва технологиялар маркази, 2003.40-бет
4. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш.—Тошкент: Шарқ, 2009.53-бет.
5. М.М.Шадурская, Е.А.Смородина, Т.В.Бакунова; Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. Екатеринбург: 2019. 207 стр.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 2021 йилдаги ижроси бўйича дастлабки натижалар. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги “Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4846-сон қарори
8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. (янги таҳрири). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4555-сон

карори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодий ва қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сон Фармони
11. Рўзиев, А., & Хуррамов, А. (2022). ИҚТИСОДИЁТА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ. Академические исследования в современной науке, 1(13), 213-219.
12. Рўзиев, А., & Хуррамов, А. (2022). РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДАГИ МУНОСАБАТЛАР. Development and innovations in science, 1(13), 29-35.
13. Хуррамов, А. Х. (2019). Умумтаълим мактабларида касб-хунарга йўналтиришда профили синфларнинг ўрни.
14. Хуррамов, А. Х. (2022). INFORMATIKA DARSLARIDA O'YIN TECHNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING SAMARALARI. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 10(11), 175-178.
15. Хуррамов, А. Х. (2022). ОБЩИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СИСТЕМ. Uzbek Scholar Journal, 10, 248-253.
16. Гулбаев, Н. А., & Хуррамов, А. Х. (2022). ОБЩИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СИСТЕМ. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(13), 100-105.